

## **ВИЛОЯТ СЕМИНАРИ ЎТКАЗИЛДИ**

Бугун Риштон туманиндағи “Ўзбек-Тожик дўстлик жамияти” биносида Фарғона вилоятида фаолият юритаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлариға риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича туман ҳокими маслаҳатчилари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Семинарда шунингдек, Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси ва туман бўлимлари раҳбарлари, туман маънавият ва маърифат бўлими ходимлари ҳам иштирок этишди.

Семинар вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси Соҳибжамол Тонготарова олиб борди. Семинар аввалида сентбрь ойи ҳолатига амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Хусусан, Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларида давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлариға риоя этилишини таъминлаш масалалари яхши йўлга қўйилмагани, ташкилотларда “Давлат тили ҳақида”ги Қонун ижроси, давлат тилида иш юритиш ҳолати танқидий таҳлил қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон Фармонида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросида маслаҳатчилар фаоллигини ошириш, барча ташкилотва корхоналар таркибида иш юритиш, шунингдек барча идоралараро ҳужжатлар айланиши давлат тилида бўлишини тўлиқ таъминлаш бўйича аниқ топшириклар берилди.

Шундан кейин “21 октябр Ўзбек тили байрами куни” муносабати билан амалга ошириладиган келгуси режа ва вазифалар белгилаб олинди.

Семинар иштирокчилари шунингдек, Риштон туманиндағи “Халқаро кулолчилик маркази”да бўлиб, у ерда фаолият юритаётган уста-кулолларнинг иш жараёнлари билан ҳам танишишди.

2021-09-25 15:18:45